

«ТАСДИҚЛАНГАН»
Чет эл капитали иштирокидаги
«Invest Finance Bank» акциядорлик
тижорат банки
(эмитентнинг номи)

Кенгаши раиси
А.Н. Ахмаджанов

(жамият кузатув кенгаши раисининг Ф.И.Ш. ва имзоси)

2022 йил «26» сентябр

М.Ў.

«РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН»
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
(рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи)

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг ўринбосари
О.Р.Исаков

(рўйхатдан ўтказувчи орган вакилатли шахсининг лавозими, Ф.И.Ш., имзо)

2022 йил «21» октябр, Р0820-13 – сон
М.Ў.

ҚЎШИМЧА АКЦИЯЛАР ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР
Чет эл капитали иштирокидаги «Invest Finance Bank» акциядорлик тижорат банки
(эмитентнинг тўлик номи кўрсатилади)

Идентификация рақами берилди:

R U 1 1 3 P 0 8 2 0 R 1

Эгасининг номи ёзилган оддий ҳужжатсиз шаклдаги 100 000 000 (бир юз миллион) дона номинал киймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган акциялар.
(акциялар тури ва сони, уларни чиқариш шакли, номинал киймати кўрсатилади)

Ушбу чиқарилишдаги акциялар ёпиқ обуна орқали жойлаштирилади
(акцияларни жойлаштириш усули кўрсатилади)

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши ўн учинчи чиқарилишдир.
(чиқарилишнинг тартиб рақами)

АТБ «InFinBank» Кенгаши мажлисининг 2022 йил 26 сентябрдаги қарори.
(эмитентнинг акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорини тасдиқлаган органи кўрсатилади)

АТБ «InFinBank» Кенгаши мажлисининг 2022 йил 19 августдаги қарори асосида.
(эмитентнинг акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорни қабул қилган органи кўрсатилади)

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили, мулоқот телефонлари ва электрон почта манзили – 100029, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Т. Шевченко кўчаси, 1-уй. Телефон: (71) 202-50-60, электрон почта манзили: info@infinbank.com.

Эмитентнинг раҳбари:



Б.Н. Бурханов

Бош бухгалтер:

А.А. Имамов

Мухр

Сана: 2022 йил 26 сентябр

Қимматли қоғозлар чиқарилишига доир ҳужжатларни тайёрлаш бўйича хизмат кўрсатган инвестиция маслаҳатчисининг номи – «КАПИТАЛ-ДЕПОЗИТ» масъулияти чекланган жамияти
Инвестиция маслаҳатчиси билан тузилган шартнома рақами ва санаси – 2012 йил 01 августдаги 16/К12-сонли шартнома

Инвестиция маслаҳатчиси раҳбарининг Ф.И.Ш. ва имзоси – Директор Ходжаев Фаррух Раҳимджанович

Мухр

Сана: 2022 йил 26 сентябр



1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури – эгасининг номи ёзилган оддий акциялар
2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли – **хужжатсиз.**
3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати – **1 000 (бир минг) сўм.**
4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони – **100 000 000 (бир юз миллион) дона.**
5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми – **100 000 000 000 (бир юз миллиард) сўм.**
6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари – **Банкнинг акциялари эгаси қўйидаги ҳуқуқларга эга:**

- Банкнинг акциядорлари реестрига киритилиш;
- депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
- Банк фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- Банк тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Банкни бошқаришда иштирок этиш;
- Банкнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмалар ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш;
- Банк акциялари берадиган ҳуқуқларни (ҳуқуқларнинг бир қисмини) қонунчиликда белгиланган тартибда ишончнома асосида ўз вакилига (вакилларига) бериш;
- Банк томонидан кўрсатилаётган хизматлар ва уларнинг нархномалари тўғрисида ахборот олиш;
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Банк Устави билан белгиланган бошқа ҳуқуқлар.

7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставидagi ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар – Банк уставига ва акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга кўра Банкнинг овоз берувчи акциялари эгаси бўлмиш акциядорлар чиқарилаётган акцияларни ўзлари эга бўлган овоз берувчи акциялар сонига мутаносиб миқдорда имтиёзли сотиб олишга ҳақлидирлар. Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати тугаган ёки акциядорлар томонидан имтиёзли ҳуқуқ қўлланилмаган тақдирда, чиқарилаётган акциялар ёпиқ обуна орқали Банк акциядорлари ўртасида акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга мувофиқ жойлаштирилади.

8. Банк устав капиталининг миқдори – **400 000 000 000 (тўрт юз миллиард) сўм;**

9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади) – **Номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган 400 000 000 (тўрт юз миллион) дона хужжатсиз шаклдаги эгасининг номи ёзилган оддий акциялар.**

10. Илгари жойлаштирилган облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади) – **Банк илгари облигацияларни муомалага чиқармаган.**

11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.

11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очик ёки ёпиқ обуна):

(Ёпиқ обуна бўлган тақдирда, шунингдек, акцияларни потенциал оловчилар доираси ҳам кўрсатилади).

Ушбу чиқарилишдаги акциялар акциядорларга имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи тақдим қилган ҳолда, ёпиқ обуна орқали Банкнинг акциядорлари ўртасида қўйидагича жойлаштирилади:

№	Акциядорлар	Жойлаштириладиган акциялар сони (дона)
1.	Mamatdjanov Faxritdin Djurayevich	26 278 380
2.	«PRESTIJ RIELT» MChJ	21 982 090
3.	Axmadjanov Aziz Nigmatjonovich	4 990 000
4.	«SWISS CAPITAL INTERNATIONAL GROUP AG» (Швейцария) Компанияси	35 000 000
5.	«AZIA TRANS TERMINAL» MChJ	8 149 530
6.	Abdusamadov Parviz Maxsudovich	3 600 000

11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати:

(Кўрсатилади: акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси ва тугатиш санаси ёки акцияларни жойлаштириш муддатини белгилаш тартиби. Агар акцияларни жойлаштириш муддати акцияларни чиқарилиши тўғрисидаги бирон-бир ахборотни ошкор қилиш санасини кўрсатган ҳолда белгиланса, шунингдек, бундай ахборотни ошкор қилиш тартиби ҳам кўрсатилади.)

Чикарилаётган акциялар ваколатли давлат органи томонидан давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 365 (уч юз олтмиш беш) кун муддатда жойлаштирилади.

- Акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси – Акциялар чиқарилуви давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги хабар ва имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати билдиришномаси қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартиб ва муддатларда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан эътиборан 11 (ўн биринчи) кун, бироқ имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати ўтгунига қадар Банкнинг барча акциядорларидан имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш тўғрисида ёки ундан фойдаланишдан воз кечиш ҳақида ёзма равишда аризалар олинган бўлса, акцияларни жойлаштириш ушбу аризалар келиб тушган кундан кейинги иш кунида бошланади. Агар акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси дам олиш кунига тўғри келса, унда акцияларни жойлаштириш кейинги биринчи иш кунида бошланади.

- Акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси – Мазкур чиқарилишнинг сўнгги акцияси жойлаштирилган кун. Бироқ акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси, мазкур чиқарилиш ваколатли давлат органи томонидан давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 365 (уч юз олтмиш беш) кундан ошмаслиги лозим.

11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби:

(Кўрсатилади: акциялар жойлаштирилишининг боришида фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузилишининг тартиби ва шартлари, жойлаштириш амалга ошириладиган бозорлар.

Агар эмитент томонидан акцияларни жойлаштириш эмитентга акцияларни жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатувчи қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларини (андеррайтерлар) жалб қилиш билан амалга оширилса, ҳар бир бундай шахс юзасидан қўшимча равишда қуйидагилар кўрсатилади:

тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи;

профессионал фаолиятни амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган;

ушбу шахснинг асосий вазифалари, агарда эмитент ва унга қимматли қоғозларни жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатувчи шахс ўртасидаги шартномада шу каби шартнома билан белгиланган муддатларда жойлаштирилмаган акцияларни охиригиси томонидан ўз ҳисобидан олиниши назарда тутилган бўлса, шунингдек, ушбу муддат ва уни белгилаш тартиби.)

Қўшимча чиқарилаётган акциялар Банк томонидан мустақил равишда, қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларини жалб этмасдан, жойлаштирилади. Қўшимча чиқарилаётган акцияларни жойлаштириш “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 35-36-моддаларига асосан Банк акциядорларига имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқини тақдим этган ҳолда, ёпиқ обуна орқали амалга оширилади. Акциялар имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи орқали жойлаштирилаётганда акциядорлар билан биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорида тўғридан тўғри фуқаролик – ҳуқуқий битими тузилади. Акциядорлар томонидан имтиёзли ҳуқуқ қўлланилмаган ёки имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати тугаган тақдирда барча акциялар ёпиқ обуна орқали Банкнинг акциядорлари ўртасида қуйидагича жойлаштирилади:

№	Акциядорлар	Жойлаштириладиган акциялар сони (дона)
1.	Mamatdjanov Faxritdin Djurayevich	26 278 380
2.	«PRESTIJ RIELT» MChJ	21 982 090
3.	Axmadjanov Aziz Nigmatjonovich	4 990 000
4.	«SWISS CAPITAL INTERNATIONAL GROUP AG» (Швейцария) Компанияси	35 000 000
5.	«AZIA TRANS TERMINAL» MChJ	8 149 530
6.	Abdusamodov Parviz Maxsudovich	3 600 000

11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони:

Марказий депозитарий ҳақида маълумот:

Номи – “Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси” давлат корхонаси;

Жойлашган жойи ва почта манзили – 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улуғбек тумани, Мустақиллик кўчаси 107-уй;

Телефон – 71 267-37-42, Факс: 71 267-36-42.

Қимматли қоғозлар эгалари ҳуқуқларини ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачиси ҳақида маълумот:

Тўлиқ номи: “Kapital-Depozit” масъулияти чекланган жамияти;

Жойлашган жойи ва почта манзили – 100052, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улуғбек тумани, Окқўрғон кўчаси 25-уй, телефон: 71 286-20-32, Факс: 71 286-20-31.

11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби:

(Жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилган тақдирда қуйидагилар кўрсатилади:

бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларнинг рўйхати тузилган сана (санани белгилаш тартиби);

жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш эҳтимоли тўғрисида билдириш тартиби;

жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби.)
Банкнинг акцияларини имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга шахсларнинг рўйхати 2022 йил 19 август ҳолатига шакллантирилган Банкнинг акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.

Банк акцияларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан 5 (беш) кун ичида оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш орқали ўзининг имтиёзли ҳуқуқига эга бўлган акциядорларига акцияларни мазкур акциядорларда мавжуд бўлган акциялар сонига мутаносиб равишда тенг шартларда олишни таклиф этади.

Билдиришнома матнида жойлаштирилаётган акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш нархи, ҳар бир акциядор олишга ҳақли бўлган акцияларнинг сонини аниқлаш тартиби, акциядорларнинг бу ҳуқуқни амал қиладиган муддат ва уни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги маълумотлар бўлиши лозим.

Имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати билдиришнома эълон қилинган пайтдан эътиборан 10 (ўн) кун давомида амал қилади.

Имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати, агар бу муддат ўтгунига қадар Банкнинг барча акциядорларидан имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқидан фойдаланиш тўғрисида ёки ундан фойдаланишдан воз кечиш ҳақида ёзма равишда аризалар олинган бўлса, тугайди.

Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядорлар акцияларни олиши тўғрисида ўзининг исми – шарифи (номи) ва яшаш жойи (жойлашган ери), ўзи оладиган акцияларнинг сони кўрсатилган ёзма шаклдаги аризани ва ҳақ тўлаганлик тўғрисидаги ҳужжатни Банкга юбориш орқали ўз имтиёзли ҳуқуқини тўлиқ ёки қисман амалга оширишга ҳақлидирлар. Бундай ариза мазкур имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати ичида Банкга тақдим этилиши керак.

11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби:

(Акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади.

Агар акцияларни жойлаштиришда акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилса, қўшимча равишда бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларга баҳо ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади.)

Ушбу чиқарилишдаги акциялар 1 000 (бир минг) сўм нархда жойлаштирилади.

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби:

(Акцияларни тўлаш шартлари, тартиби, шу жумладан ҳисоб-китобларнинг шакли, кредит ташкилотларининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, уларнинг жойлашган жойи, акциялар тўланишига келиб тушадиган пул воситалари кўчирилиши лозим бўлган ҳисобварақларнинг банк реквизитлари, тўлов шохобчаларининг манзили (нақд пул шаклида тўланганда).

Акциялар пул бўлмаган воситалар билан тўланган тақдирда акциялар тўланиши мумкин бўлган мол-мулк, тўлов шартлари бундай тўлов шароитида расмийлаштириладиган ҳужжатлар (мол-мулкни қабул қилиш — топшириш далолатномаси ва ҳоказо) билан, шунингдек, бундай мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш учун жалб қилинадиган баҳоловчи (баҳоловчилар) тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

баҳоловчининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи;

баҳолош фаолиятини амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва лицензиянинг амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган.)

Акциялар учун тўловлар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ва/ёки хорижий валюта АҚШ долларларида акциялар олди-сотти шартномаси имзолаган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича амалга оширилади. Акцияларни жойлаштириш жараёнида акциялар учун тўловлар нақд ва/ёки нақдсиз шаклда, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Т.Шевченко кўчаси, 1-уй манзили бўйича жойлашган Чет эл капитали иштирокидаги “Invest Finance Bank” акциядорлик тижорат банки (қисқа номи – АТБ «InFinBank») Бош офисининг қуйидаги транзит ҳисоб рақамларига қабул қилинади:

Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида – 2983 0000 7000 0104 1005;

Хорижий валютада (АҚШ Доллари) – 2983 0840 9000 0104 1001; SWIFT - INFBUZ2X;

Банк коди – МФО 01041.

Акциядорлар Банк акциялари учун тўловларни уларга ажратилган дивидендлар ҳисобидан амалга ошириш ҳуқуқига эгалар.

Банк акциялари учун тўловлар акцияларни жойлаштириш муддати ичида амалга оширилиши керак.

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби:

Акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб тан олинган тақдирда акциялар учун тўланган маблағларнинг қайтарилиши қўйидагича амалга оширилади:

АТБ “InFinBank” томонидан ушбу ҳолат тўғрисида ўрнатилган тартибда расмий маълумот (Қимматли қоғозлар чиқарилишини амалга ошмаган деб топиш муҳим факти – 28) Банкнинг расмий веб-сайтида (www.infinbank.com), Корпоратив ахборотнинг ягона порталида (www.openinfo.uz) эълон қилинади.

Акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган санадан сўнг 5 (беш) иш куни давомида акциялар учун тўланган маблағлар Банк томонидан акциядорларнинг банк ҳисоб рақамларига ўтказиб бериш орқали қайтарилади.

12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби:

Қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги ахборотнинг ошкор қилиниши Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ахборот (қимматли қоғозларни чиқариш муҳим факти – 25) ва қонунчилик билан белгиланган бошқа маълумотлар, акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг қонун ҳужжатлари билан ўрнатилган муддатда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Ахборот-маълумот тизими манзили – www.infinbank.com, www.openinfo.uz.

Банк қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарорнинг асли ва нусхаси билан Тошкент шаҳар, Т.Шевченко кўчаси, 1-уй манзили бўйича жойлашган АТБ «InFinBank» Бош офисида, нусхалари билан эса банкнинг барча филиалларида танишиш мумкин.

13. Бошқа маълумотлар.

13.1. Рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи, эмитентнинг давлат рўйхатидан ўтказилган санаси ва рақами – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2007 йил 24 декабрда 75-рақам билан рўйхатга олинган.

13.2. Тўлиқ почта манзили – 100029, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Т.Шевченко кўчаси, 1-уй.

13.3. Эмитент солиқ органининг номи ва СТИР – Миробод тумани давлат солиқ инспекцияси, СТИР: 206 942 764.

13.4. Асосий фаолият турлари ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг (хизматнинг) турлари – Банк хизматлари.

13.5. Давлат статистика органи томонидан берилган кодлар:

Корхонанинг хос рақами КТУТ (ОКПО) – 22220067;

ХХТУТ бўйича асосий фаолият тури (ОКЭД) – 64190;

МШТ бўйича мулкчилик шакли (КФС) – 144;

Манзили бўйича МХОБТ тўлиқ хос рақами (СОАТО) – 1726273;

ТХШ бўйича ташкилий – ҳуқуқий шакли (КОПФ) – 153.

АТБ "INVEST FINANCE BANK"

6 варақда.

Рақамланди, тикилди, имзоланди ва тасдиқланди.

Бошқарув Раиси: Б.Н.Бурханов

Бош бухгалтер: А.А.Имамов

